



Ислом Нури

.....)).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким тонг пайти ва кечқурун юз марта: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи» (Аллоҳни поклайман ва Унга ҳамд айтаман) деса, қиёмат куни ҳеч ким ундан кўра афзалроқ нарсани олиб келган бўлмайди, фақатгина у айтганча ёки ундан ортиқроқ айтган киши (келтириши мумкин)» (Имом Муслим ривояти).

..... :.....
.....
.....
.....
.....) ««.....».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Икки калима борки, тилга енгил, тарозида оғир, Раҳмон таолога суюмлидир: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳаналлоҳил азийм» (Аллоҳни поклайман ва Унга ҳамд айтаман, Буюк Аллоҳни поклайман)» (Муттафақун алайҳ).

..... :.....
.....
.....) ««.....».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» (Аллоҳни поклайман,



Ислом Нури

Аллоҳга ҳамд бўлсин, бир Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Аллоҳ буюқдир) деб айтишим менга қуёш нури тушган барча нарсалардан суюмлироқдир» (Имом Муслим ривояти).

«Аллоҳга ҳамд бўлсин, бир Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Аллоҳ буюқдир) деб айтишим менга қуёш нури тушган барча нарсалардан суюмлироқдир» (Имом Муслим ривояти).

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Сўзларнинг қайси бири энг афзал?», деб сўралди. «Аллоҳ малоикаларига – ёки бандаларига – танлаган сўз: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳга тасбеҳ айтиш – Уни ҳар қандай нолайиқ сифатлардан пок ва муқаддас санаш бўлиб, у зикрларнинг энг афзали, тилга энг енгили, Аллоҳга энг суюмлиги ва гуноҳ сағира-кичик гуноҳларнинг кечирилишига сабабдир. Катта гуноҳларга чин тавба, гуноҳдан тийилиш каффорат бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Тасбеҳ айтишнинг фазли ва Аллоҳ уни яхши кўриши;
2. У гуноҳлар кечирилишига сабабдир;
3. Тасбеҳ сўзлар ичида энг афзалидир.